

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Бухоро давлат университети

Тарих факультети

Тарих кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: „ Қарлуқларнинг этник тарихи”



**5220200 – “Тарих” таълим йўналиши бакалавр даражасини
олиш учун**

**Тарих таълим йўналиши
битирувчиси: Зияев Фазлиддин**

**Илмий раҳбар: т.ф.н., доцент
Қурбонова М.Б.**

Бухоро –2014 йил

Бухоро давлат университети Тарих факультети “Тарих” таълим йўналиши
4 “Б” гуруҳи битирувчиси Зияев Фазлиддиннинг “Қарлуқларнинг этник
тарихи” мавзuidaги битирув малакавий ишига

ТАШҚИ ТАҚРИЗ

Ўтмишдан маълумки, қабилавий ва давлатлараро курашларда фақат
эрксевар ва жанговар қабилалар ёки қабила иттифоқчилиги ўз
мустақиллигини сақлаб қолиш мумкин бўлган. Қарлуқ қабила иттифоқи ана
шундай этнослардан бири бўлган.

Битирувчи Ф.Зияев ҳам этнология фани муҳим йўналишларидан бири
халқнинг этник тарихига бағишланган мавзуни танлаган.

“Қарлуқларнинг этник тарихи” деб номланган битирув малакавий иш
режага мувофиқ, илмий асарларга таянилган ҳолда тайёрланган.

Тадқиқот ишининг муҳим жиҳати ушбу мавзу нафақат этнология, ўзбек
халқи этногези ва этник тарихи, балки Ўзбекистон тарихи фани
саҳифаларида ҳам махсус ўрганилади. Ушбу ишда тўпланган, жамланган
илмий факт ва рақамлар, маълумотларнинг ўқув услубий қўлланма тайёрлаб
Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш жараёнида унумли фойдаланиш
имконияти мавжуд.

Ташқи тақризчи



БухДУ қошидаги компьютер ва ахборот
технологиялари академик лицейи
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
тарих фани ўқитувчиси Бердиев Х.Х.

РЕЖА:

КИРИШ

1. ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ АЛОҲИДА ЭТНИК БИРЛИК БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ
2. ҚАРЛУҚЛАР - ЎЗБЕК УРУҒЛАРИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛЛАРИ
3. ҚАРЛУҚ ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ
4. ҚАРЛУҚЛАРДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

ХУЛОСА

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

ИЛОВА.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези)ни ўрганиш масаласи кўпдан бери Ўзбекистон ва бутун дунё олимлари эътиборини жалб қилиб келаётир. Айниқса мустақилликни қўлга киритгач ва миллий мафқурани шакллантириш кун тартибига қўйилгач, бу яна ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу вазифалар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарларида ва чиқишларида тўла аксини топди. Улар асосида халқнинг ўз тарихини, кимлигини ва қандай давлатчилик тарихига эга эканлигини билиш лозимлиги ётади. Шу боисдан ҳам халқимизда ўз тарихини, хусусан, келиб чиқиши тарихини билишга интилиш кучаймоқда. Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, ватанининг тарихини билишни истайди. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсондир.Ўзликни англаш-тарихни билишдан бошланади¹.

Сирасини айтганда, бу муаммони ечиш ниҳоятда мураккаб. Чунки, бу масала биргина археологик қазилмалар натижаларига боғлиқ бўлиб қолмай, балки турли даврлар ва тилларда ёзилган манбаларнинг ўрганилишини ҳамда батафсил, чуқур ва кенг доирали илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”².

Президентмиз тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда тарих

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998. –Б. 5.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойили. -Т.: 1998. -Б.9.

фанининг янги йўналишларини белгилаб, миллий тарихимизга янгича ёндашиб, уни асл манбалар асосида ёритиб, чуқур таҳлил қилишни буюрдилар¹.

Академик К.Шониёзов ҳам “Ҳар бир тарихчи олим Президентимиз кўтарган масалаларни баҳоли қудрат ёритиб, халқимиз тарихига муносиб ҳисса қўшишлари керак албатта”², - деб бежиз айтмаган эди. Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллиги қўлга киритилган кундан бошлаб унинг ҳудудида яшаган халқларнинг этник тарихи, келиб чиқиши, шаклланиш жараёнлари, миллий қадриятларга айланган асрий анъаналарни ўрганишга алоҳида эътибор берилди бошланди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида қадимда саклар, массагетлар, сўғдлар, бахтарлар, хоразмликлар, фарғоналиклар ва чочликлар яшаб келишган. Шу билан бирга Ўрта Осиё минтақаси турли миллат ва элатлар ҳамда кўчманчи ва ўтроқ аҳоли доимий равишда ўзаро алоқада бўлиб келган жой ҳисобланади. Шу боис ўзбек халқи этногенезининг шаклланишида бу ерда истиқомат қилган элат, уруғ, қабилалар ва уларнинг ўзаро таъсири муҳим роль ўйнаган. Фанда этногенез узоқ давом этган тарихий жараёнлиги маълум. Демак, ўрганилаётган даврнинг, яъни қарлуқлар этник тарих масалаларини тадқиқ қилиш ўзбек халқиогенези тарихининг муҳим муаммоларидан бирини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбек элшунослик мактабининг асосчиси академик К.Шониёзовнинг этногенез ва этник тарих муаммоларига оид фундаментал асаридан бири “Ўзбек қарлуқлари” (“Ўзбеки карлуки”) 1964 йилда рус тилида нашрдан чиққан эди³. Ўзбекистон тарихида ҳали кам ўрганилган, ўзбек аجدодларининг нуфузли этносларидан бўлган ўзбек

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: 1998. -Б.9.

² Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. -Т.: 1999. -Б.4.

³ Шаниязов К. Узбеки карлуки. -Т.: 1964. 305 стр.

элатининг шаклланишидаги асосий компонентларидан бири қарлуқларга бағишланган эди.

Мустақиллигимизнинг шарофати билан 1999 йилда олимнинг ўзбек тилида “Қарлуқ давлати ва қарлуқлар: ўзбек давлатчилиги тарихидан” номли асари чоп этилади¹. Мазкур китоб ёзма, тарихий, археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда Марказий Осиёда ўрта асрларда ташкил топган йирик давлатлардан бири қарлуқ давлати, унинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, этник тарихи билан бу давлат таркибида ўзбек аجدодларининг алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклланиши, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқалари ёритилган. Бундан ташқари китобда қарлуқларнинг илк аجدодлари, уларнинг ўрта асрларда ўз мустақиллиги учун олиб борган курашлари, йирик давлат барпо қилганликлари, уларнинг бизгача сақланиб қолган аجدодлари тўғрисида фикр юритилади. Таъкидлаш жоизки, К.Шониёзов қарлуқлар тарихига оид энг мукамал тадқиқотларни амалга оширган олимдир². Минтақа халқлари тарихига оид маълумотлар турли даврларда тегишли манбаларда кўплаб учрайди. Жумладан, Берунийнинг “Ҳиндистон”³ асарида турклар, яъни IX аср бошларида яшаган қарлуқ турклари, “Худуд ал-олам” да (X аср) келтирилган маълумотларда ҳам Шарқий Туркистоннинг шимолий-ғарбида қарлуқлар яшаганлиги қайд этилади. Маъсудий ҳам Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилган турклар қарлуқлар эканлиги ҳақида айрим фикрларни келтиради⁴.

Шарқий Туркистон қарлуқчларига тегишли маълумотлар маҳаллий манбалардан, хусусан, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “ Тарихи Рашидий”

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар: Ўзбек давлатчилиги тарихидан. –Т.: 1999.-Б.191.

² Соатова С. Шарқий Туркистон қарлуқлари этник тарихининг ўрганилиши.//Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Илмий тўплам. –Т.: 2014. -Б.204.

³ Беруний Абу Райхон. Ҳиндистон. Арабчадан А.Расулов, Ю.Ҳакимжонов, Жалилов Ф. таржимаси. Танланган асарлар. 2-том. -Т.: 1965.

⁴ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар.-Т.: 1999. - Б.37.

асарида келтирилган. Муаллифнинг ўзи Шарқий Туркистон ҳудудида яшаб, бу ўлкадаги воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган¹. Машҳур олим Лев Николаевич Гумилев Шарқий Туркистон халқининг мухътасар тарихи, унинг тадрижий таракқиёти, таназзули ва унинг оқибатлари ҳақида илмий асосланган хулосаларини беради². Академик А.Асқаров қарлуқларнинг икки қатлами ҳақида Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганларини қайд этди³.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё қарлуқларини, хусусан, Шарқий Туркистоннинг Ғарбий қисмида, Фарғона, Тоҳаристонда жойлашган қарлуқларнинг этник тарихи масаласи, ундаги аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишида қарлуқлар этник тарихига оид масалалар Ўзбекистонда қай даражада ўрганилганлиги ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсад қилиб қўйилди.

Битирув малакавий ишининг биринчи режаси “Ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланиш жараёни” масалаларига бағишланади. Ушбу жараённинг ўзига хослиги жиҳатлари батафсил очиб берилади. Ойдинлаштириш мақсадида, хусусан, ўзбек аجدодларининг алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланишга оид манба ва асарларга мурожаат қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи режаси эса “Қарлуқлар-ўзбек уруғларининг йирик вакили” деб номланади. Бунда қарлуқ этник номи ҳамда унинг элат номи бўла олмаганлиги, этнохудудий қарлуқ гуруҳлари, қарлуқларда қабилани бошқариш усуллари, ушбу қабила ўзбек уруғларининг йирик вакили эканлигига оид масалалар ёритилади.

¹ Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. -Т.: 2010..

² Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. -Т.: 2007.-Б.499.

³ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. -Т.: 2007.-Б.170.

Ишнинг учинчи режаси “Қарлуқ давлатининг вужудга келиши”га бағишланади. 776 йилдан бошлаб Ғарбий турк ҳоқонлиги ҳудудида қарлуқлар ҳукмронлик қилганлиги, қарлуқ этник уюшмаси уч қабиладан (чиғил, меуло,ташили) ташкил топганлиги, қарлуқ давлати ҳудудидаги аҳолининг этник тарихи ҳақидаги маълумотлар батафсил ўрганилади.

Битирув малакавий ишининг тўртинчи режасида “Қарлуқларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт” деб номланиб, унда қарлуқларнинг маданияти, урф-одати, ижтимоий - сиёсий аҳволи, қишлоқ хўжалиги, тили, дини ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида қарлуқ қабила уюшмаси VI-асрдан то VIII аср охиригача ўз мустақилликлари учун курашиб, бутунликларини сақлаб қолганликлари, улар эгаллаган ҳудудларини уруғ-қабилачилик тартиби асосида идора қилиб келганлари, XI аср ўрталарида қарлуқ давлатининг мустақил давлатларга – Шарқий ва Ғарбий Қарлуқ давлатига бўлинганлиги, натижада уларнинг иқтисодий, маданий тараққиёти ва сиёсий ҳаёти бир даражада тараққий этмаганлигига оид якуний хулосалар келтирилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. “Қарлуқларнинг этник тарихи” кириш, тўрт режа, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 50 бет ҳажмдан иборат.

1. ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ АЛОҲИДА ЭТНИК БИРЛИК БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни Марказий Осиёдаги бошқа туркийзабон халқлардан бирмунча фарқ

қилади. Ўзбек элатининг минтақадаги бошқа туркийзабон халқлардан фарк қиладиган хусусиятларидан бири шуки, ушбу элатнинг аجدодлари туб ерли этник бирликлар асосида, яъни икки тил (туркий ва Эрон) туркумидаги халқларнинг аралашуви жараёнида вужудга келган. Бошқа туркийзабон халқлар ҳам (масалан, туркманлар) маълум даражада ўзга тилли этнослар билан аралашганлар. Аммо ўзбек аجدодлари таркибига кирган эрон тилли компонентлар, бошқа туркий халқларга нисбатан кўпроқ бўлган албатта¹.

Марказий Осиёда феодализм босқичида элат бўлиб шаклланган халқларнинг (туркман, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ, тожик ва бошқалар) ўзига хос этник номи (этноними) бўлган; кейинчалик шу номлар уларнинг миллат номи ҳам бўлиб қолган. Илк ўрта асрларда шаклланган ўзбек халқи аجدодлари қатъий бир номга эга бўлмаган. Ўзбек халқи аجدодлари элат бўлиб шаклланган кезларда (IX-X аср) унинг этник номи вақт-вақти билан ўзгариб турган: турк, қарлуқ турклари, қорахонлар, ҳоқонийлар ва бошқалар).

Қарлуқ давлати чегарасида шаклланган ўзбек халқининг аجدодлари маълум вақтгача, қарлуқ» (Қарлуқларнинг ўзларидан ташқари бу атама шу давлат таркибидаги бошқа қабилалар, ўтроқ аҳолига ҳам таалуқли) «Қарлуқ турклари» ёки “ҳоқонликлар”² деб номлангандир. Албатта, бу атамалар шаклланган элат номи бўлмасдан, кўпроқ мазкур давлат худудида яшовчиларни, давлат фуқароларини ифодалаган умумий ном. Лекин, шу билан бир вақтда «қарлуқ» атамаси шу давлат ичидаги бир қанча қабила ва ўтроқ аҳоли учун этник ном ҳам бўлган. Аммо ўша даврларда тез-тез такрорланиб турган феодализм курашлари, ҳоқонлар ўртасидаги зиддиятлар, қабилавий урушлар, айрим вилоятларнинг мустақилликка интилишлари ва бошқа сабаблар туфайли «қарлуқ» атамаси мавжуд бўлган сиёсий тузум чегарасидаги этносларга доимий ном (этноним) бўлиб қолмаган³.

¹ Шониёзов К. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т.: 2001.-Б.313.

² Маҳмуд Қошғарий. Девони луғатит турк. 1-жилд .-Т: 1993.- Б.66.

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001.-Б.317.

IX-XII асрларда ўзбек элатининг таркибига кирган, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ этник компонентларнинг излари кучли бўлган. Уларда уруғ-қабилачилик тартиблари муносабатлари кучли бўлган уруғ-қабилачилик тузуми, қабила иттифоқлари мавжуд бўлган давлат ташкил топган бўлса ҳам бу тартибга риоя қилиб келинган. Чунки, ўша давр ҳоконлари (хонлари) қабила иттифоқлари ва қабила бошлиқларига таяниб давлатни идора қилиши мумкин бўлган¹.

IX-X асрларда элат бўлиб шаклланган ўзбек аجدодларининг умумий номи (этноними) бўлмаса ҳам, уларда ўзлигини англаш ҳиссиёти кучли эди. Ўзбек элати, кўшни элатлар, қабилалар билан яқин тилда (турли лаҳжаларда) сўзлашган бўлишларига қарамасдан ўзларининг баъзи хусусиятлари билан (маданияти, тил лаҳжаси, урф-одатлари, диний эътиқодлари ва бошқалар улардан фарқ қилишларини сезар эдилар. Бошқача қилиб айтганда, «улар (масалан уйғурлар, қирғизлар) ва бизлар» («қарлуқлар», «ҳоконликлар») деган иборалар билан бир халқни иккинчи халқдан (айрим хусусиятларини ҳисобга олиб) ажратиш ҳиссиёти элатлар орасида кучга кириб қолган эди.

Этник ном ва ўзлигини англашдан ташқари, маълум бир халқнинг этник бирлик (элат) бўлиб етишиши даражасини белгиловчи яна бир қанча бошқа кўрсаткичлар (иқтисодий, маданий, сиёсий, тил, ҳудуд бирлиги ва бошқалар) ҳам мавжуд. Қарлуқлар даврида (IX-X), улар ҳукмронлик қилган катта ҳудудда бир қанча ўтроқ (турк, тожик) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи этник гуруҳлар яшаганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик. Бу ҳудудда яшовчи туркийзабон аҳолининг лаҳжаларида фарқ бўлганлигини Маҳмуд Қошғарий ўз асарларида кўрсатган. Шу билан бир вақтда олим уларнинг барчаси тушунадиган умумий тил (элат тили) мавжуд бўлганлигини ҳам қайд қилган². Ана шу кўпчиликка тушунарли тилни Маҳмуд Қошғарий «ҳокония» тили деб ёзган. Мазкур тил IX-X асрлар давомида шаклланган бўлиб, кейинги асрларда яна ҳам такомиллашиб борган.

¹ Шаниязов К. Узбеки – қарлуки. -Т.: 1964. –С.20.

² Маҳмуд Қошғарий. Девони луғати турк. I-жилд. –Б.68.

Қарлуклардан кейинги йирик этнос чигиллар бўлган¹. Ҳар иккала қардош қабилаларнинг тилларида фарқ бўлмаган, уларнинг лаҳжалари (Қарлук чигил лаҳжаси) IX-X асрларда шаклланган ўзбек элатининг асосий тили бўлган, десак эҳтимолдан холи бўлмас.

Қарлук қорахонлари ҳудудида бошқа туркий қабилалар (яғмо, аргу, туғси, ёбаку ва бошқалар) ҳам бўлганлиги ҳақида гапирган эдик. Буларнинг лаҳжалари қарлук-чигил диалектидан бирмунча фарқ қилганлигини Махмуд Қошғарий ўз асарида қайд этган².

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўзбек элати таркибидаги этносларнинг тиллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишлари уларни шаклланган ўзбек элатининг таркибий қисми бўлганлигини инкор қиладиган сабаб бўла олмайди. Чунки шу даврда (X аср) қабилавий ва айрим ҳудудий лаҳжаларидан ташқари элатнинг барча фуқароларига тушунарли умумий диалекти кучга кирган бўлган. Бу диалект қарлук чигил лаҳжаси асосида вужудга келган Қарлук-Чигил шеваси эди.

Қарлуклар ва уларга қардош чигил қабиласи Марказий Осиёда энг йирик этнослардан бўлиб, илк ўрта асрларнинг охирларида, уларнинг катта қисми ўтроқлашиб шаҳар ва қишлоқларда яшаб, бошқа тил гуруҳидаги (масалан суғдийлар) аҳолини турклашувига катта ҳисса қўшган. Айни бир вақтда қарлук-чигиллар бошқа туркийзабон қабилалар билан ёнма-ён яшаб, уларга узоқ вақт давомида етакчилик қилиб келган қабилалардан ҳисобланганлар. Шунинг учун ҳам IX-X асрларда Қарлук-қорахонийлар давлати ҳудудида жойлашган аҳолининг кўпчилик қисми учун қарлук ёки чигил лаҳжаси умум элат тили бўлиб қолган. Лекин шу билан бир вақтда элат ичида қабилавий лаҳжалар ҳам мавжуд бўлган. Албатта, маълум бир ҳудудда, аниқ бир давлат чегарасида элат шаклланиш жараёнининг ўтиши ҳам этноснинг муҳим белгиларидан ҳисобланади, деган эдик. Албатта, элатнинг бу шартли белгиси ҳамма ерда ва барча халқларда бир хил

¹ Ўша асар. 1-жилд. –Б.69.

² Ўша асар.1-жилд. - Б.70

бўлавермаган.

Маълумки, Қарлуқ давлати IX-X асрларда жуда катта ҳудудни эгаллар эди. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб шаклланаётган даврларда, унда иштирок этган этносларнинг катта қисми Талас ва Чу дарёси ҳавзасида, Сирдарё соҳилларида, Тошкент воҳаларида, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Фарғонанинг шимолий минтақаларида, Мовароуннаҳрда яшаган¹. Ўзбек элатининг асосий ўзаги айна шу ҳудудларда шаклланган бўлиши керак. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек элатининг шаклланишида бу ҳудудларда яшовчи этносларнинг барчаси бир хилда иштирок қилмаган. Қарлуқ давлати ҳудудида яшаган айрим этник гуруҳлар, масалан, ёбаку, ёрук, (жорик) ва бошқалар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашмаган бўлишлари ҳам мумкин. Аргу, Тухси, бижанок, кипчок, туркий қабилаларининг бир қисми ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган бўлсалар, уларнинг иккинчи қисми ёки айрим гуруҳлари (қарлуқ ҳоқонийларининг итоатида бўлсалар ҳам) бу жараёнга қатнашмасдан ўз қабила тузуми, мустақиллигини сақлаб келганлар. Булар Егтисувда, Шарқий Туркистонда келиб, кейинчалик бошқа давлат ва элатлар таркибига кириб қолганлар. Демак, бир ҳудудда жойлашган этносларнинг барчаси бирдек шаклланаётган элатга иштирок қилолмаганлар, элатга шу ҳудудда жойлашган, асрлар давомида ёнма-ён ва аралаш яшаб (олдинлари бошқа тилда сўзлашган бўлса ҳамки) келган, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти бир-бирларига яқин бўлиб келган этнослар ёки уларнинг маълум қисми қатнашиши мумкин бўлган.

Шаклланган ўзбек элати асосини ташкил қилган этносларнинг айрим гуруҳлари бошқа ҳудудларда яшаб, ўз уруғдошларидан ажралиб, уларни элат бўлиб шаклланиши жараёнида қатнаша олмаганлар. Масалан, айрим қарлуқ этник гуруҳлари Сирдарёнинг куйи оқимларида, Орол денгизи яқинидаги гулларда, Афғонистонда, Хиндистоннинг шимолида, Олд Осиёда (Анатулия ярим оролида) жойлашиб келган эдилар. Булар яшаб турган ҳудудларидаги халқлар билан асрлар давомида бирга яшаб, улар билан

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001. –Т.: 1999.-Б.320.

қоришиб кетганлар. Аммо, ўз этник номларини (Қарлуқ этнонимини) яқин вақтларгача сақлаб келганлар (масалан Афғонистон қарлуқлари)¹.

Назарий жиҳатдан яна бир муҳим масала - элат шаклланиш жараёнининг маълум бир давлат доирасида (давлат ҳудудида) ўтиши ҳам этногенетик жараён шартларидан бири ҳисобланади. Аммо, Марказий Осиё шароитида бу шартга ҳам тўла риоя қилиш мумкин бўлмаган. Масалан, тожик гуруҳлари IX-X асрларда нафақат Сомонийлар ҳудудида, Қарлуқ ва Уйғур давлати ҳудудларида ҳам яшаганлар. Уларнинг маълум қисми тожик этносининг шаклланишида (Сомонийлар давлати чегерасидан ташқарида бўлсалар ҳам) қатнашган. Тожикларнинг баъзи гуруҳлари Қарлуқ ва Уйғур давлати ҳудудларидаги аҳолига аралашиб, қоришиб кетган. Ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнашган туркий этник гуруҳларининг талай қисми Сомонийлар давлати ҳудудида (Мовароуннаҳр ва Тоҳаристонда) ҳам яшаган. Буларнинг салмоқли қисми қадимдан қишлоқ ва шаҳарларда турғун яшаб келса, иккинчи қисми воҳалар атрофидаги чўлларда, тоғли ерларда ярим кўчманчи ва ярим ўтrockликда кун кечириб келганлар. Воҳада яшовчи туркийзабон аҳоли илк ўрта асрларда Сирдарё бўйларида ва унинг шимолий-шарқидagi вилоятларда яшовчи этнослар (қанғли, ўғуз, қарлуқ, аргу, тухси, туркеш ва бошқалар) қон-қариндош риштаси билан бевосита боғлиқ бўлган; этносларнинг айрим гуруҳлари вақт-вақти билан Сирдарёнинг чап соҳилига ўтиб, воҳада яшовчи қардошлари билан қўшилиб туриш ҳоллари ҳам бўлган. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган туркийзабон этнослар Ислom динини қабул қилган, албатта. Ўзга динга бўлган кишилар, этник гуруҳларнинг Мовароуннаҳрга келиб доимий яшашлари қийин эди. Сомонийлар ўз ҳудудларини ёмон ният билан, ёвузлик билан бостириб кирувчи кўчманчи қабилалардан ҳимоя қилганлар. Ислom динини қабул қилиб, нажот сўраб, ўтrock яйловларда рухсат сўраб келганларга қаршилик қилмаган бўлсалар

¹ Шониёзов К. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т.: 2001. –Б.321.

керак¹.

Мовароуннахр туркларининг юксак маданий савияси кейинчалик (Қорахонлилар бу ўлкани эгаллагандан кейин) Сирдарё соҳилларидан, Еттисувдан келиб ўрнашган туркийзабон қардошларининг ўтроқлашишини тезлаштиришга ва ўзбек эллатининг шаклланиш жараёни охирида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Баъзи кишиларда, сомонийлар ҳудудида яшовчи туркийзабон этнослар ўзбек эллатининг шаклланиш жараёнига қатнашган бўлишига шубҳа билан қарашлари мумкин. Этник жараёнини чуқур ўрганган кишида бу хил шубҳага ўрин бўлмаса керак.

Марказий Осиёда қадим-қадимдан икки тил вакиллари - турк ва форс-тожик халқлари яшаб келган. IX-X асрларда ташкил топган қарлуқ ва Сомонийлар давлати бу икки халқни фақат сиёсий жиҳатдан чегаралаб қўйишди холос, аммо бу қатъий этник чегара эмас эди; ҳар иккала давлат ҳудудида ҳам турк ва тожик этнослари яшар эдилар. Фақат бу давлатлар ичида яшовчи туркийзабон ва тожик этноси оз-кўпликлари билан фарқ қилар эди. Қарлуқ давлати ҳудудида сўғд (тожик) этноси Сомонийлар давлатидаги қардошларига нисбатан анча оз бўлган, қарлуқ давлатининг асосини туркийзабон аҳоли ташкил қилган².

Сомонийлар ҳудудида жойлашган туркийзабон аҳоли шимолий қардошлари билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди. Бу ўринда, яна бир мартаба қайд қилиб ўтмоқчимизки, буларнинг ўзаро алоқаларини давом эттиришда Қарлуқ ва Сомоний давлатларининг чегаралари қатъий тўсқин бўла олмаган. Тўғри, сомонийлар давлати бошлиқлари кўчманчи ва ярим-кўчманчи туркийзабон аҳолини ўз ҳудудида киргизмаслик ниятида, воҳалар атрофига (Шош, Самарканд, Бухоро) баланд деворлар (халқ ўртасида «кампир девор» деб ном олган) билан ўраб чегараларга ҳарбий соқчилар сақланганлар. Аммо бу

¹ Шониёзов К. Узбеки- карлуки. Т.: 1964. –С. 211.

² Шаниязов К. Узбеки-карлуки.-Т.: 1964. –С.215.

тўсиқлар вақтинчалик тадбир эди, холос. Исмоил Сомоний даврида бу тўсиқларнинг аҳамияти қолмаган эди.

Келтирилган маълумотлардан, фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, Қарлуқ ва Сомонийлар давлати ҳудудида яшовчи барча этнослар IX-X асрлар давомида ўзаро яқинлашиб, баъзилари эса етакчи этносларга (қарлуқларга) аралашиб ҳам кетган эдилар. Асрлар давомида бир ҳудудда яшаб келган аҳолининг онг сезимида, ўзлигини англашда, иқтисодий маданий ҳаётида умумийлик ҳосил бўлган эди. Аммо бу этник кўрсаткичларни ривожланиш даражаси ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида, бир маромда тараққий этмаган.

Ўзликни англаш (албатта ўз даври даражасида), туркийлик тушунчаси ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида қатъийлашиб қолган десак, хато бўлмайди. Лекин иқтисодий ва маданий тараққиёт, ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган барча этносларда умумийлик ҳали ниҳоясига етмаган эди. Шу даврларда (IX-X асрларда) айрим этник гуруҳлар кўчманчи чорвадорлар бўлган, бошқа гуруҳлари ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар: учинчи гуруҳлари (турғун аҳоли) деҳқончилик ҳунармандчилик ва тижорат ишлари билан банд бўлганлар. Бу гуруҳлар ўртасида ҳали иқтисодий алоқалар етарли даражада мустаҳкамланмаган, буларнинг маданий даражасида ҳам тафовут катта бўлган. Қарлуқ-чигил лаҳжаси ўзбек элати таркибида кирган барча этнослар ва этник гуруҳларга сингиб, умум элат тили даражасига кўтарилиш жараёни ниҳоясига етмаган. Бошқача қилиб айтганда ўзбек элатининг шаклланиш жараёни IX-X асрларда ҳали охирламаган эди¹.

IX асрнинг биринчи ярмида бу минтақаларда феодал курашлар авж олиб бораётган бир вақтда қарлуқ қабила иттифоқи ва унинг бошлиғи абгу мамлакатда осойишталикни сақлашда ва уни идора қилишга ожизлик қилиб қолган эди. Эндиликда кучли давлат ва кучли давлат бошлиғи-хоқон лозим

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.-Б.325.

бўлиб келган эди. Собик қарлуқ қабила иттифоқи емирилиб янги сиёсий тузум, давлат вужудга келади, бу қарлуқ давлати эди. Давлат бошлиқлари қарлуқлардан бўлиб, улар ўзларини «улуғхон» (қорахон) атаб улуғлаб келганлар.

Демак, 840 йили Нух Ибн Асад Исфижобни эгаллагандан кейин Қарлуқ давлати инқирозга учрамаган эди, лекин вилоятни қўлдан берадилар: улар яна ҳам кучайиб, айна шу йиллари янги сиёсий тузум-давлат ташкил этишга муяссар бўладилар.

Исфижоб вилояти то IX аср охирларигача Сомонийлар тасарруфида бўлса ҳамки, бу вилоят ҳокимлари юқорида айтганимиздек, қарлуқлардан бўлиб, қарлуқ давлати ҳоконларига ҳам итоатда бўлиб келганлар. Бошқача қилиб айтганда Исфижоб ҳокимлари икки томонлама қарамлик: бир томондан сомонийларга қарам бўлсалар, иккинчи томондан - қарлуқ ҳоконларига итоатда бўлганлар.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, X аср ўрталарида Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи аҳолининг асосий қисми ислом динини қабул қилиб бўлган эди. Ислом дини то Иссиққул атрофларигача бўлган худудга етиб борган эди. Ўзга динда бўлган кишилар бу даврларда мусулмон аҳоли устидан ҳукмронлик қилолмас эдилар. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчиларнинг IX аср ўрталарида мажузийлар Баласағун шаҳрини олиб, Қарлуқ давлатини инқирозга учратиб ўз ҳукмронликларини ўрнатган, деган фикри тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Юқорида келтирилган тарихий далилларга асосланиб, яна бир мартаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, IX аср ўрталарида ташкил топган давлат янги давлат эмас эди. Қорахонийлар номи билан тарихга кирган бу давлат 840 йили ташкил топган Қарлуқ давлатининг давоми эди. Унинг биринчи хони Билга Қул Қодирхон бўлиб¹, ундан кейин ҳукмронлик қилган хонлар унинг ворислари эдилар.

¹ Хоннинг номи Қодир Билга, қул атамалари эса унинг лақаби. Билга – билимдон, биладшон Қул-Эрк, Эркин халққа хизмат қилувчи маъносини билдиради.

Сатук Буғраҳон Билга Қул Қодирхоннинг невараси, амакиси Ўғулчакдан ҳокимиятни 930 йилларда тортиб олиб, то 955 йилларгача ҳукмронлик қилган. Ундан кейин ҳукмронлик унинг авлодларига ўтган.

Қарлуқлар туркий халқ бўлиб узоқ ўтмишда Олтойнинг Ғарбий районларида яшаб келган қабила иттифоқи эди. Шуниси эътиборлики, Ғарбий Олтойдаги Чориш дарёсининг бир тармоғи ҳозир ҳам Қарлуқ деб аталади. Бу эса, қарлуқлар илк даврларда Олтойда яшаганлигидан далолат беради. Турк ҳоконлигининг ташкил топиши билан (милодий 552) Қарлуқлар Ғарбий Олтойдан чиқиб Иртиш дарёси бўйларида мўғул Олтойнинг Жанубий ён бағирларидан то Ила дарёсининг шимолигача бўлган ҳудудни эгаллайди. Буларнинг қатта бир қисми VI-VIII асрларда Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларига, Фарғона водийсига, Тохаристонга ва Зарафшон воҳасига бориб ўрнашган эдилар. Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида ҳам яшаган ¹.

Ўзбек элатининг шаклланиши, унинг ривожини ва бу элат таркибидаги қабилалар ва бу элатнинг турмуш тарзини ҳақида юқорида айтиб ўтдим. Яна бир нарсани айтишни жоиз деб билдим. Бу ўзбек элатининг илк аجدодлари, яшаган ҳудудлари билан бевосита боғлиқ. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятлари, Мовароуннаҳрда (Фарғона водийси ҳам шунинг ичида) Хоразмда, Тошкент воҳасида, Еттисувда, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Бу минтақалар инсониятнинг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Сополлитепа, Чуст, Замонбобо ва Хоразм заминида олиб борилган археологик қазилмалардан топилган материаллардан маълум бўлишича, милoddан олдинги икки мингинчи йилларда Ўрта Осиёнинг бир қанча районларида ўтроқ деҳқончилик мавжуд бўлган.

Демак, турли манбаларда ўзбеклар халқ бўлиб асосан X аср охири XII

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.-Б.339.

асрларда шаклланган дейилган. Бу сана тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, ўзбек аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб, олдинроқ, яъни IX-X аср ўрталарида шаклланган эди. X асрнинг иккинчи ярми - XI асрда шаклланган ўзбек элатининг иқтисодиёти, маданияти ва маънавияти яна ҳам тараққий этиб бораётган даври эди. Бу тараққиёт жараёни XII аср ўрталаригача давом этиб, Ўзбек халқининг этногенетик муаммолари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига бағишланган йирик монографик асарда ҳам очиб берилган. Китобнинг «Ўзбеки» деб номланган қисмида, «Ўрта Осиё халқлари этник тарихининг асосий босқичлари» ҳақида фикр боради, муаллифлар: С.П.Толстов, Т.А.Жданко ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини қуйидагича тасвирлаганлар: Ўзбек ва тожикларнинг энг қадимги аجدодлари Ўрта Осиёнинг маҳаллий халқи ва қабилалари хоразмликлар, суғдийлар, массагетлар ва саклар бўлган¹.

Демак, ўзбек халқи XI-XII асрларда эмас, балки қадимда ҳам бўлганлиги ҳақида айтиш ўринлидир. Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ўзбек халқи элат бўлиб шаклланган даврдан бошлаб то ҳозиргача ўз номини сақлаб келган ва бу ном билан биз ёшлар фахрланамиз. Биз шундай аجدодларнинг фарзанди бўлганлигимиздан фахрланиб яшаймиз.

¹ История Узбекистана. Т.III. -Т.: 1993. -С.3-7.

2. ҚАРЛУҚЛАР - ЎЗБЕК УРУҒЛАРИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛЛАРИ

Ҳар бир халқ ўзининг этник тарихи, этногенези хақида аниқ тасаввурга эга бўлишга интилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бу масалаларга қизиқиш кучайиб катор муаллифларнинг илмий адабиётларда, ойнома ва рўзномалар саҳифаларида ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқишлари оз бўлмади. Муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиққан бўлсалар-да, этник назарияга лозим даражада эътибор бўлмагани боис қўйилган масалани тўғри ҳал қилиб беролмаганлар¹.

Кишилиқ жамиятининг тобора тараккий этиб бориши ва синфий жамиятнинг пайдо бўлиши билан ибтидоий босқичга хос этник бирлик-қабила тузуми ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо қабила атамаси ва унга таалуқли бўлган баъзи хусусиятлар қолдиқ сифатида синфий жамиятларда (кулдорчилик, феодализм, капитализм, социализм) ҳам сақланиб қолган. XIX аср охири -XX аср бошларида ўзбек халқининг таркибида қабилалар мавжуд бўлиб, улар уруғларга бўлиниш тартибини ва уруғ-қабила номларини (этнонимларини) сақлаб келганлар. Сўзсиз, улар ибтидоий босқич қолдиқлари ҳисобланади. Чунки, бизгача сақланиб қолган уруғ-қабилалар ибтидоийликка хос хусусиятларини аллақачон йўқотиб, синфий жамиятга мослашиб қолганлар.

Қадимда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ва унга туташ минтақаларда бир қанча элатлар вужудга келган: бақтрияликлар, хоразмликлар, суғдийлар, қанғарлар, фарғоналиклар шулар жумласидандир. Аммо, бу элатлар кулдорлик жамиятидаёқ бирин-кетин инқирозга учраб тарқалиб, уларнинг

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.-Б.74.

ўрнига янги элатлар вужудга келган. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда турк, уйғур, ўғуз, тожик ва ўзбек¹ элатлари ташкил топган. Булардан бизнинг асримизгача уйғур, тожик ҳамда ўзбек элати етиб келди.

Биз, бу ўринда ўзбек халқи кўп асрлар давомида ўз этнонимига эга бўлолмаганлиги сабабларидан бири, унинг элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнашган этносларнинг келиб чиқиш тарихи маданиятининг тараққиёт даражаси, хўжалик фаолияти бир хилда бўлолмаганлиги деб тахмин қилишимиз мумкин².

Ўзбек аجدодлари элат бўлиб шаклланаётган кезларда унинг таркибидаги аҳолининг катта қисми шаҳар ва қишлоқларда турғун яшовчи маҳаллий аҳоли бўлган. Уларнинг аксарият кўпчилиги яшаб турган ҳудудлари, шаҳар ёки вилоят номлари билан аталган: шошлик, фарғоналик, хоразмлик, кешлик, бухоролик ва ҳоказо жой номлари катта бир ҳудудда уюшган этник бирликнинг номи бўлолмаган албатта. Элат шаклланишида иштирок этган аҳолининг талай қисмини кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ чорвадор қабилалар ташкил қилган эди. Буларнинг этник номлари ҳам элат номи бўлолмади. Бир неча асрлар давомида Қарлуқ давлатини (ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган аҳолининг катта қисми шу давлат ҳудудида яшар эдилар) бошқариб келган қарлуқларнинг номи элат номи даражасига кўтарилмади. Чунки, қарлуқларнинг аксарият кўпчилиги ўтроқлашиб, турғун ҳаётга мослашиб кетган эдилар. Уларнинг бир қисми кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечириб ўзаро (кўпинча ҳукмронлик қилиб келаётган қариндошлари билан) рақобатлашиб келар эдилар. Қарлуқлар ва уларга қардош қабилалар давлатни бошқаришда мамлакат маъмурчилигидан устуворлик қилиб келишлари туфайли, давлат ҳудудидаги бошқа қабилалар сиёсий майдонга чиқа олмаганлар. Турғун

¹ Элат (асоси “эл”) атамаси ўтмишда кенг маънода қўлланилган. (Қаранг: К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001. –Б.77.)

² Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.-Б.96.

(маҳаллий) аҳоли тинч, фаровон ҳаётга ўрганиб давлатни бошқаришга интилмаганлар¹.

VI-VIII асрларда Фарғона воҳасига келиб ўрнашган туркий қабилаларнинг кўпчилигини қарлуқлар ташкил қилган. Айти шу даврларда қарлуқлар Шарқий Туркистонни шимолий ва ғарбий (Турфан Куча, Қошғар, Ёркент ва Хўтан) вилоятларида ҳам яшар эдилар².

Қарлуқлар Шарқий Туркистонда ва Норин дарёсининг юкори оқимларида мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин VIII аср ўрталарида Фарғона водийсининг шарқий районларида, Қора дарё билан Норин дарёларининг туташган жойларигача бўлган ҳудудини эгаллайдилар. Уларнинг айрим гуруҳлари Фарғонанинг марказий қисмига келиб ҳам жойлашганлар³.

Хитой манбаларидан «Илолу», «Гелу», араб ва форс-тожик манбаларида «Харлуқ», «Харлут» деб Ўрхун-Энасой ёдгорликларида биринчи марта қарлуқ деб аталган⁴. Қарлуқлар туғрисида маълумот берувчи адабиётлар ва махсус тадқиқотлар ҳам XIX асрдаги Ғарбий Европа тадқиқотчиларидан Ф.Хирт, Э.Шавакилар бир қатор тадқиқотлар қилганлар. И.Маркварт Ўрхун-Энасой туркий ёзувларини ўрганиш билан шуғулланган бўлса, Хирт ва Шавакинлар Тан-шу сулоласи (Хитой) таркибидаги уч қисмга бўлинган қарлуқлар ҳақида маълумот беради. Қарлуқлар яшаган кенг ҳудудлар икки турк ҳоконлигининг ўртасида жойлашган. 646 йилда Шарқий хон Чеби Ғарбий Олтой қарлуқларини, Ғарбий ҳоконлигининг бўлғуси хони Ашин Хелу Шимоли-ғарбий Жунғория қарлуқларини бўйсундиради.

Ўзаро курашлар ва ташқи душманларнинг тазъиқи остида Ғарбий ва Шарқий ҳоконлиги кучсизланиб қолганидан фойдаланиб қарлуқлар бир мунча вақт мустақилликни қўлга киритганлар⁵.

Қарлуқларнинг анча қисми Еттисув, Тяньшань тоғларининг жануби-

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.145.

² Шаниязов К. Узбеки –қарлуқи. Т.: 1964.- С.5-6.

³ Фарғона водийси қарлуқлар ва араблар келмасдан олдин Ғарбий турк ҳоконлигига қарашли бўлган.

⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.145.

⁵ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.152.

шарқий ва Фарғонага жойлашган бўлсада, XVIII асрнинг ўрталарига қадар катта қисми ҳали Олтойда қолган эди. Бу даврда уйғур хон (Гелло Моюн-Чур) барча турк қабилаларини ўз ҳокимиятига бирлаштиришга киришди. У дастлаб қарлуқ ва бошор билан иттифоқда Шарқий ҳоконликга зарба бериб, ғалаба қилди (742 йил). Кейин эса 745 йил курашни босқинчиларга қаратиб уларни тор-мор қилгач, қарлуқлар устига юриш қилди. Кўп йиллик курашлардан сўнг уйғурлар қарлуқларни бўйсундиришга муваффақ бўлганлар. Шундай қилиб, VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қарлуқлар тарқалган ҳудуд Балхаш кўли атрофларидан Сирдарё бўйлари, Фарғона водийсигача бўлган ҳудудларни қамраб олар эди. X асрда яратилган «худуд ал-олам ёзма ёдгорлигида қайд қилинишича» қарлуқлар юрти шарқда Тибетни бир қатор вилоятлари яғмо, тўққиз уйғур вилоятлари билан жанубда айрим яғмо вилоятлари билан ва Мовароуннаҳр, ғарбда Ғузлар ҳудуди, шимолда Чичилар ва тўққиз уруғлар вилоятлари билан чегараланган¹. Шарқий Туркистон, жумладан, Қошғар ҳам яғмо иттифоқи келгунча қарлуқларга қаршли бўлган «Ҳокон» атамаси турклар бошчилигида ишлатилган бўлиб Эронликлардаги «Шаҳаншоҳ» маъносига ўхшаш ҳукмдорлар ҳукмдори деган маъносини билдиради.

Қарлуқлар Или дарёсидан Сирдарёгача бўлган жойларда келиши вақтида Мовароуннаҳр араблар томонидан ишғол қилинган эди. 893 йилда Исмоил Сомоний туркларга қарши катта юриш қилиб, Тара шахрини қўлга киритди. Бироқ, Палос дарёсидан нарига ўта олмади. Чунки, қарлуқлар сомоний қўшинларига қарши қаттиқ қаршилиқ қилдилар².

Қарлуқларнинг Фарғона водийсининг аксарият районларга кириб келиши арабларни безовта қилган эди. Араб қўшинлари қарлуқлар билан уруш қилиб, уларни водийнинг марказидан сиқиб чиқарадилар. Аммо қарлуқлар Фарғонани батамом ташлаб кетмайдилар, улар Қашқадарё ва

¹ Шаниязов К. Узбеки – қарлуқи. -Т.: 1964.- С.16.

² Ўша жойда. –Б 17.

Норин дарёси оралиғидаги ерларни сақлаб қоладилар. VI-VIII асрларда қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Тошкент воҳасининг тоғли ва тоғ олди районларида ҳам яшар эдилар.

Турк ҳоқонлигининг сиёсий ҳаётида қарлуқлар муҳим роль ўйнаган. Қарлуқлар узок ўтмишда Олтойнинг ғарбий минтақаларида яшаганлар. Шуниси характерлики, Ғарбий Олтойдаги Норин дарёсининг бир тармоғи ҳозир ҳам қарлуқ номи билан аталади.

Турк ҳоқонлиги ташкил топиши билан (милодий 522 йил) қарлуқлар Ғарбий Олтойдан чиқиб, Иртиш дарёси соҳилларини, Жунғорияни, мўғул Олтойнинг жанубий ён бағирларидан то Ила дарёсининг шимолигача бўлган ҳудудини эгаллайдилар. Буларнинг катта бир қисми шу вақтларда (VI-VII асрларда) Шарқий Туркистонни, Фарғонани, Тохаристоннинг айрим районларини эгаллайди. Қарлуқларнинг баъзи гуруҳлари Кашмирга ҳам бориб ўрнашган эдилар¹. Қарлуқларнинг ила дарёсининг шимолида қолган қисми учта катта қабилага бўлиниб булар Чин солномаларида Шуло, Чжиси ва Тошили деб аталган². Бу қабилаларнинг эгаллаб турган ҳудудлари Ғарбий ва Шарқий турк ҳоқонлигининг шимолий чегаралари туташган районларига тўғри келади. Ҳар иккала (ғарбий ва шарқий) ҳоқонлиги ҳам қарлуқларни ўзига тобе этиш ниятида уларга қарши уруш қилганлар. Ана шу уруш оқибатида Шарқий турк ҳоқонини Олтойда яшовчи қарлуқлар устидан ғалаба қозониб, уларни ўзларига буйсундирганлар. Аини шу йили ғарбий турк ҳоқони Ашина Хелу таргабатойида (Жунғориянинг шимолий ғарбида) яшовчи қарлуқларни тобе этганлар³.

Турк ҳоқонлари қарлуқларни ўзларига қарам қилган бўлса ҳамки лекин бу эрксевар кўчманчилар ҳоқонларга бўйин эгиб тингланиб қолмасдан ўз мустақилликлари учун тинмасдан курашиб келар эдилар. Ғарбий ва Шарқий

¹ Шониёзов К. Узбеки –қарлуки. Т.: 1966.- Б. 12-34.

² Бичурин Н.Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. –Б.347.

³ Ўша жойда. –Б.348.

хоқонликлар билан бетиним курашлар натижасида дастлабки мавжуд бўлган қарлуқ қабилалар иттифоқи бузилиб қарлуқ этник номи билан бир неча янги этноҳудудий бирлашмалар вужудга келади: 1) Иртиш дарёсининг қуйи оқимларида жанубий Олтойда яшовчи қарлуқлар; 2) Хонвой Тоғи этакларида Танно, Олода; 3) Турфан ҳавзасида Қошғар, Хўтан, Ёркент шаҳарлари ва районларида яшовчи қарлуқлар; 4) Татаристонда; 5) Ҳиндистоннинг шимолий ғарби ва кашмирда яшовчи қарлуқлар.

Бу этноҳудудий қарлуқ гуруҳларининг кўпчилиги Ғарбий ва Шарқий хоқонларига қарам бўлиб келган. Қарлуқлар таркибидаги йирик қабилаларидан бири Чигил қабиласи бўлган. Улар Еттисувга келишдан олдин Иртиш бўйларида Жунгорияда яшаган. Юқорида Хитой муаллифлари маълумотларига асосланиб қарлуқлар 3 қабилалардан (Шеуле, Чижиси, Ташмен) ташкил топган этник бирлик бўлган деган эдик. Н.А.Аристовкий фикрича чигил атамаси ана шу уч уруғнинг бирини яъни чтеси уруғини (тўғрироғи қабилла) номини билдиради¹. Хитойлик олим Чэнь Жун Мэннинг айтишича, «Чжиси» сўзи туркларнинг чигил деб аталган қабиласининг номи бўлган. О.Прицак уч қарлуқ уруғидан бири чигил бўлганлигини ўқтириб ўтади. В.В.Бартольд ҳам чигиллар қарлуқлардан ажралиб чиққанлигини таъкидлайди. Келтирилган далиллардан, чигиллар қарлуқлар таркибидаги қабилалардан бўлганлигига шубҳа йўқ. Қолган икки этноним (ташибали ёки тошлик) ва меулони туркий номларини аниқлаш қийин. Лекин улар ҳам қарлуқ қабилаларидан бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. 766 йилда қарлуқлар туркишлар устидан ғалаба қилиб Еттисувни батамом эгаллагач, уларнинг ҳокимларини Қароргоҳи Чу дарё воҳасидаги Суёб шаҳри бўлиб келади. Ана шу санадан бошлаб, қарлуқ ябғулари (ҳокимлари) Жунғория тоғларидан Сирдарёгача бўлган жуда катта ҳудудга эгалик қила бошлайдилар. Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Сирдарёни кечиб ўтиб, Зарафшон водийсига

¹ Бичурин Н.Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. –Б.263-289.

хам ўрнашиб олганлар¹.

Ауфи ва бошқа муаллифларнинг асарларидан аниқланишича, қарлуқларнинг қабила-уруғ тузилиши тартиби (тизими) қуйидагича бўлган: бир қанча уруғ бир бўғинни (аймоғини), бир неча бўғин қабилани ташкил этган. Уруғ бошлиқлари-бек, уруғ бирликларининг (бўғин,аймоқ) бошлиқлари элтибор унвонига эга бўлганлар; Қарлуқ қабиласининг бошлиғи-ёбғу (ябғу), унинг ёрдамчиси- кударкан унвони билан маълум бўлган².

Қарлуқларда мавжуд бўлган бу тартиб қабила бошқариш усули VIII асрларгача ҳам сақланиб қолган. Абдулғози қарлуқлар ўз ичларидан “Бир яхшини подшоҳ кўтариб, у ўлса яна бошқасини сайлар эдилар”³, - деб ёзгани шу даврга тўғри келса керак. Абулғозийнинг давлат подшоҳ деган ибораси том маъносида эмас кўчирма маънода тушуниш лозим бўлади, чунки қарлуқларда у даврларда ҳали давлат таркиб топмаган эди; уларда уруғ қабилачилик қолдиқлари (ҳарбий демократик усуллари) ҳукм суриб подшоҳ эмас, ябғу бошқариб келган. Қабила иттифоқининг бошлиғи- ябғу қабилавий йиғинда сайлов йўли билан тайинланган.

Қарлуқлар Еттисувни эгаллагач, (VIII асрнинг 60-йиллари) ябғунинг хизмат вазифаси кенгайди: илгари ябғу фақат бир қабиланинг бошлиғи бўлиб келган бўлса, эндиликда у қарлуқлар эгаллаган ҳудуддаги барча қабилалар ва ўтроқ аҳолини бошқарган. Ябғунинг ҳукмдорлик доираси ниҳоятда кенг бўлиб аҳолини бошқарган. Ябғу араб-форс муаллифлари қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудни «давлат», ябғуни эса давлат бошлиғи (ҳукмдори) деб билганлар. Ҳақиқатда эса қарлуқларда давлат (улар Еттисувни эгаллагандан кейин ҳам) то IX аср ўрталаригача бўлмаган бўлиши керак. Аммо йирик қарлуқ қабила бирлиги вужудга келган эди.

¹ Бичурин Н.Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. –Б.289.

² Якубовский А.Ю. Сельджукидское движение и туркмены в XI; Известия АН СССР . 1937, № 4. -С.927.

³ Абулғозий. Шажараи турк.- Т.; 1992.-Б.32.

Қарлуқлардан илгари уруғ ёки аймақ (масалан, чигил, халач, лабан ва бошқалар) бўлиб келганлар, эндиликда йирик қабилалар иттифоқи даражасига кўтаради. Қарлуқлар таркибига Еттисувда, олдинлари яшаб келган қабилалар ёки уларнинг қисмлари қарлуқ қабила иттифоқига бирлашганлар.

Қарлуқ қабила иттифоқини ҳам ябғулар бошқарган эди. Ябғу авваллари уруғ-аймоқ йиғинидан сайланган бўлса, эндиликда у (Ябғу) қабилалар йиғинида¹, қабила бошлиқлари томонидан сайланган уруғ-қабила бошлиқлари (бек, эътибор) айна бир вақтда ҳарбий саркардалар ҳисобланганлар. Бу тартиб қарлуқларда 840 йилгача, яъни қарлуқ давлати ташкил топгунча қадар давом этган.

VIII асрда Шарқий Туркистоннинг Ғарбий вилоятлари қарлуқлар қўлида эди. Қарлуқларнинг илк гуруҳлари бу ерларга келиши VI-VII асрларда Шарқий ва Ғарбий Турк ҳоконларининг ўзаро курашларининг авжига чиққан кезларига тўғри келади².

Шундай қилиб қарлуқ қабиласи - ўзбек уруғларининг йирик вакиллари сифатида тарихда ўчмас из қолдирган ва бу қабила ўзбек халқининг шаклланишига муҳим роль ўйнаган.

¹ Қабила тузумида элтибор бир неча уруғдан ташкил топган уюшмани бошқарган бўлса, энди (қабила иттифоқи ташкил топган) у қабилани бошқаради. (Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.161.)

² Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.165.

3. ҚАРЛУҚ ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Юқорида айтиб ўтилганидек қарлуқ қабиласи ўзбек уруғларининг йирик вакилларида бири бўлган. Бу қабила ўзбек халқини шаклланишида жуда катта муҳим роль ўйнаган. Қарлуқ қабиласи кейинчалик ўзларининг давлатини барпо қилганлар. Бу яъни IX-X асрларда ўз давлатларига асос солганлар. Ёзма манбаларга қараганда қарлуқ давлати ҳукмронларининг «Қора», «Қорахон» унвонлари кўп мартаба такрорланганлиги боис шарқшунос олим Григорьев мазкур давлатни шартли равишда «Қорахонийлар давлати» деб, давлат ҳукмронлари, насабларини қорахонийлар сулоласи деб кўрсатган эди. Шундан сўнг бу иборалар бир қатор бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам такрорланди ва бу тарих саҳифаларига ўрнашиб қолди¹.

Ҳақиқатда эса «қора» атамаси ҳукмронлик қилиб келган ҳоқонларнинг насабини англатмаган. Бу атама уларнинг унвони бўлиб «буюклик», «улуғлик» ни билдирган. Қарлуқ ҳукмронлари ўзларини «буюк ҳоқон», «улуғ ҳоқон» ёки «қорахон унвони» билан улуғлаб келганлар. Биз мазкур ишда кейинги иборани қабул қилиб IX-XII асрларда фаол кўрсатиб келган қарлуқлар давлати Қорахонлар (улуғ хонлар) давлати деб аташни маъқул кўраемиз.

Қарлуқ (қорахонлар) давлати IX-X асрларда жуда катта ҳудудда ҳукмронлик қилаётганлиги ҳақида барча манбаларда қайд этилган. X аср ўрталарига келиб, бу давлат янада кучайиб, унинг ҳоқонлар шимоли-шарқий минтақаларига қилган ҳарбий юришлари натижасида бир қанча элат ва қабилаларни тобе этганлар. X аср охирида қорахонлар асосий эътиборни ғарбий қўшни Сомонийларга қаратган эдилар.

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001.-Б.14

Қорахонийлар Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар ва бу ҳукмронлик 200 йил давом этди. Аммо собиқ Сомонийлар ерини эгаллагунча Қорахонийлар давлатининг хон-беклари вақтинча бирлашадилар ва бунинг натижасида марказлашган йирик қарлуқ -қорахонлар давлатини ташкил этишга эришадилар. Аммо Мовароуннаҳр ерига батамом ўрнашиб олгандан сўнг кўп вақт ўтмасдан, яъни 1015-1016 йилларда Қорахонлар давлатига мансуб хонзодалар, буюк хонзодалар, буюк хонлик мансабини олиш йўлидаги курашлари, айрим ўлкаларни эгаллаб олиш ниятида олиб борган ўзаро урушлари қорахонлар ҳукмронлигини бирмунча ожизлантиради ва охир оқибатда давлатни бўлиниб кетишига олиб келди. 1041 йилда Қорахонлар давлати иккига: ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди. Ғарбий қисми Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий районларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бунинг маркази Бухоро, кейинчалик Самарқанд бўлган. Шарқий қисмига Еттисув, Қошғар, Тароз, Исфижоб (ҳозирги Чимкент вилояти), Шом кирган. Бу қисмининг маркази Баласоғунда, маданий маркази эса Қошғарда бўлган .

Қарлуқ ва қанғли қабилаларини Баласоғун ҳоқони билан олиб борган курашларининг сабаблари ҳанузгача маълум эмас. Аммо қорахонларнинг ана шу даврдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволи эътиборга олинса, бу курашнинг сабабини тушуниб олиш қийин бўлмайди¹. 657 йилда Қарлуқлар эгаллайдиган ҳудудларда уста маъмурий вилоят - Инъшал, Дами, Сюзин.-Чи ташкил қилинган. Буларнинг ҳудудлари шу уруғ бошлиқлари бўлганлар.

XII аср охирида қорахонийлар жуда катта ҳудудда (Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр) ўз ҳукмронликларини ўргатдилар. Аммо уларга бевосита қарашли ерлар Еттисувнинг жанубидаги вилоятлар ва Ғулжа бўлган. Еттисувнинг бир қисмидан ташкил топган қарлуқлар давлатига қарар эди, буларнинг маркази Қийалик² шаҳрига бўлган. Ила дарёсининг

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Ўзбек давлатчилиги тарихидан.-Т.: 1999.-Б.55.

² Қийалик –Ила дарёсининг шимолидаги шаҳар.

юқори қисмларини қарлуқлар билан иттифоқдош бўлиб келган қанғли кабилалари эгаллаганлар. Қанғлилар ҳам XII аср охири XIII аср бошларида алоҳида хонлик ташкил қилган бўлиб, унинг маркази Олмалиқ шаҳри бўлган¹. Қорахонийлар Еттисув ва Мовароуннаҳрни эгаллаганларидан сўнг қорахонлар давлатига мансуб амалдорларни ўз вазифаларидан четлаштирмаганлар. Ҳокон ва хонларни ўз ўринларида қолдириб, улар орқали мамлакатни идора қилганлар. Аҳолига катта солиқ солиб ғўрхонлар, қорахонлардан бу солиқни ўз вақтида йиғиб беришни талаб қилиб ва шу тарзда уларни ўз итоатларида ушлаб турар эди. Ҳар бир хонадонга қорахитойлар фойдасига 1 динордан солиқ солинган² бир динор солиқ тўлаш уша даврда аҳолига ниҳоятда оғирлик қилар эди³. Бундан ташқари, аҳоли ҳар йили қорахонлар фойдасига ва ерли феодалларга ҳам бож-хирож тўлаганлар. Шундай қилиб, деҳқонлар ва оддий чорвадор халқ уч томонлама (ярми феодаллар, Қорахонлар ва Қорахитой давлати ва уларнинг вакиллари томонидан) эксплуатация қилинган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр деҳқонлари, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадорлар, қорахонийлар ва уларга қарам бўлиб келаётган қорахонлар ҳуқмронлигига қарши вақти вақти билан исён кўтариб турганлар. Шундай исёнлардан бири XII асрнинг 50-60 йиллари Самарқанд атрофларида жойлашган Қарлуқлар томонидан уюштирилган. Уларнинг кураши асосан қорахитойларга ва улар томонидан Самарқанд тахтига қўйилган қорахонларга қаратилган эди. Қарлуқлар Самарқанд тахтига қарлуқ амирлари ва ҳарбий саркардалари бош ролда бўлиб турмушини талаб қилиб ҳам исён кўтарганлар.

Исённи бостирмокчи бўлган қоракиданлар (Қорахитой) 1141 йил Самарқандни эгаллайдилар. Қорахитой Гурхони Самарқанд тахтига Ғарбий ҳоконнинг собиқ хони Муҳаммад Арслонхоннинг ўғли Иброҳим

¹ Олмалиқ-Гулжа яқинида, унинг шимоли-ғарбидаги шаҳар .(Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: 2001. – Б.240.)

² 1 динорнинг қиймати ўша даврда 13 франк (4 сўм 50 тийин). (Қаранг: Юқоридаги асар... -Б.241.)

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001. -Б.241.

Тамғачхонни ўтказди. Бу хон жуда бўшанг бўлиб мамлакатни яхши идора қилолмаган. Қарлуқлар унинг сусткашлигини ёқтирмас ва шу боис улар Самарқанд тахтига ўзлари ёқтирган хонзодалардан қўймоқчи бўлганлар. Улар пайт пойлаб Иброҳим Тамғачхонни ўлдириб, жасадини чўлга чиқариб ташлайдилар. Бу муҳим воқеа 1156 йили Бухоро шаҳри яқинида содир бўлган. Шундан кейин қорақиданлар Самарқанд тахтига Иброҳим Тамғачхоннинг ўғли Жамолиддин Али-Чағрихонни қўядилар. Тахтга ўтириши билан (1157 йил), Чағрихон қарлуқлардан отасининг ўлими учун уч олиш ниятида Самарқанд қарлуқлар саркардаларини ўлдиришга буюради ва қарлуқларнинг бошлиғи Пейгахон (Бейгахон) ўлдирилади, қарлуқлар қувғинга олинадилар. Пейгахоннинг болаларини, қавм-қариндошларини, қарлуқларнинг ҳарбий саркардаларини (буларнинг ичида энг катта саркарда Лочинбек бўлган) тутиб жазолашга буюрилади. Қарлуқларнинг катта бир қисми Амударёни кечиб ўтиб Хоразм шоҳи Ил-Арслон¹ олдига нажот сўраб борадилар. Шоҳ уларнинг ёнини олиб 1158 йил қўшинлари билан Мовароуннаҳрга келади. Самарқанд хони ўз навбатида Қизилқум чўлларида, Женд атрофида кўчиб юрган ўғузларга ва қорахитой ғурханларига мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўрайди. Қорахитой ғурхани Самарқандга Элек туркманни 10 минг жангчилари билан юборади. Хоразмшоҳ Ил-Арслон Зарафшоннинг ўрта оқимларидаги Робинжон шаҳрини олиб, уни вайронага айлантиради ва шундан кейин рақибларини бетоқатлик билан кутади. Икки томоннинг қўшинлари Зарафшоннинг икки соҳилида туриб бир-бирларига рўпара бўладилар. Хоразмшоҳларнинг ҳарбий кучидан чўчиган Илек-Туркистон урушдан бош тортади, Самарқанд ҳокими, уламолари ва имомлари Илек Туркон билан Хоразмшоҳ ўртасида воситачи бўлиб уларни урушмасликка кўндирадилар. Хоразмшоҳ Ил-Арслон Қарлуқ

¹ Ил-Арслоншоҳ Отсизнинг ўғли, унинг вафотидан кейин 1156 йил Хоразм шоҳи бўлади. (Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: 2001. – Б.242.)

амирларини ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, ўз лавозимларига тиклаш шарти билан сулҳга розилик беради. Шундан кейин Хоразмшоҳ юртига кайтади¹.

Ибн ал Асир қарлуқлар билан боғлиқ бўлган можарони бошқачароқ қилиб ҳам тушунтиради. Унинг ёзишича, бу воқеа 1164 йили юз беради.

Қоракидан гурхони қарлуқлар исёнидан хабардор бўлгач, уларни Бухоро ва Самарканд вилоятларидан чиқариб Қошғарга сургун қилиб юборишни Чағрихонга топширади. Қарлуқлар у ерда (Қошғарда) қурол олиб юрмасдан, яъни ҳарбий хизматда бўлмасдан, дехкончилик билан шуғуллансинлар деган фармойиш беради. Фармойишни бажармокчи бўлиб Чағрихон қарлуқлардан тезда мамлакатдан чиқиб кетишни талаб қилади. Сўзсиз бу буйруқ Қарлуқларга қаттиқ таъсир қилади. Улар йиғилиб маслаҳат қиладилар ва Бухоро томон йул оладилар. Бухорода ўша кезларда раислик қилиб турган Ибн-Маза Чағрихонга хабар юбориб, Бухорони қарлуқлар талон-тарож қилмасдан тезда қўшинлари билан ёрдамга келишини илтимос қилади.

Ёрдам кучи етиб келгунга қадар Ибн Маза қарлуқ бошлиқлари билан музокаралар олиб бориб, вақтни чўзишга ҳаракат қилади. Шу вақт ичида Чағрихон Ибн Ҳасан катта қўшин билан Самарқанддан етиб келади. Қарлуқларнинг орқа томонидан қўққисдан хужум бошлаб, уларни шафқатсиз қиради. Шу воқеадан кейин Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг сиёсий ҳаётига қарлуқлар деярли аралашмайдиган бўлганлар².

Қорахитой империясининг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида жойлашган қарлуқ ва қанғли қабилалари қорахитойларга тез-тез хужум уюштириб, гурхонлар тинчлигини бузиб турардилар. XII аср охири XIII аср бошларида бу қабилалар қорахитойлар тобелигидан чиқиб, уларга қарши очик курашга ўтадилар. Бу курашлар ва халқ кўзғолонлари Қорахитой давлатининг пойдеворини аста-секин емиради.

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001. -Б.242.

² Ўша асар. -Б.243.

Шу даврларда Хоразм давлати ҳам кучайиб, Хоразмшоҳлар қорахитойларга, уларга қарам бўлган қорахонларга қарашли ерларга ҳарбий юришлар қиладилар. Хоразмшоҳлар Бухоро ва Самарканд ерларига бир неча бор қўшин билан бостириб келган эдилар. Қорахитой империяси ичида ҳам низолар оз эмас эди. Буларнинг ҳаммаси қорахитой давлатининг емирилишига олиб келди. Мазкур империянинг кучсизланиб боришидан фойдаланиб, қорахонлар хонадонига тегишли охириги хонлар қорахитойлар тобелигидан XIII аср бошида озод бўлган эдилар. Аммо 1212 йили Хоразмшоҳ Муҳаммад Али ад-дин Самарқандни эгаллайди ва Қорахонларнинг ғарбий қисмини охириги хони - Усмонни қатл қилади. Шу билан ғарбий қорахонлар сулоласи тугатилади.

Шаркий ва Ғарбий Қорахонлар давлати емирилганлиги билан уларнинг ҳудудларида айрим кичик давлатлар ташкил бўлиб, бу давлатлар XIII аср ўрталарига қадар сақланиб қолган эди. Бунга мисол тариқасида юқорида эслаб ўтилган, Ила дарёси соҳилларида вужудга келган Қарлуқ давлатини кўрсатиш мумкин. Унинг хони қарлуқ, қорахонлар анъаналарининг давоми қилиб, Арслонхон унвони билан давлатни бошқарган¹.

Кичик, деярли мустақил давлат Фарғонада, Ўзган музофотида (маркази Ўзган шаҳри) ҳам мавжуд булган. Қорахонларнинг Ўзган мулкини бошқариб келган ҳукмронлар қарлуқлардан бўлган. Қорахонлар давлати емирилгандан кейин ҳам Ўзганда кичик давлат ўз фаолиятини давом эттирган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, Қорахонийлар давлати таназзулга учрашидан кейин ҳам Ила дарёсининг шимолида ва Ўзган музофотида ташкил этилган Қарлуқ давлатлари (кичик давлат бўлса ҳам) бир неча йиллар давомида фаолият кўрсатиб келган. Бу давлатлар Чингизхон авлодлари ҳукмронлик қилган даврларда ўз аҳамиятини

¹ Арслон – Ила дарёси соҳилларида барпо этилган Қарлуқ давлатининг ҳукмронининг номи эмас, унинг унвони бўлган. (Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: 2001.-Б.244.)

йўқотади. Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий минтақаларида ҳам қарлуқлар бир неча мартаба давлат барпо қилишга муяссар бўлганлар. Аммо ички низолар ва ташқи сиёсий вазиятлар туфайли бу давлатлар емирилиб, яна бошқа Қарлуқ давлатлари вужудга келган. Энг охирги Қарлуқ давлати бу минтақаларда XIII аср бошида барпо этилган. Мазкур давлатларнинг охирги тақдири унча аниқланмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда XIV аср ўрталарида қарлуқ номи билан аталган давлат бу ҳудудларда қолмаган бўлса керак. Шу асрда мазкур ҳудудларда бошқа давлатлар барпо этилган. Бу ерларда яшаб келган қарлуқлар эса вақт ўтиши билан маҳаллий халқларга аралашиб, ҳозирги кунда этник номларини ҳам унутиб юборган бўлишлари керак.

4. ҚАРЛУҚЛАРДА ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ҳар бир элат маълум тарихий даврда шаклланган. Шу давр ичида бир худудда яшовчи элатлар ёки уларнинг айрим гуруҳлари бир-бирлари билан доимий иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашадилар. Уларнинг ўзаро яқинлашиши жараёни кўпинча бир тилда гапирувчи қавм-қариндош, юртдошлар орасида мавжуд бўлган. Этник жараёнга шу худудда қадимдан яшаб келган ёки бошқа вилоят мамлакатлардан кўчиб келган (мигрантлар) этнослар ёки айрим этник гуруҳлар ҳам фаол қатнашишлари мумкин бўлган¹.

IX-X асрларда Марказий Осиёда яшовчи аҳолининг аксарият кўпчилиги туркий забон халқлар бўлган. Уларнинг бир қисми қадим замонлардан буён турғун яшаб келган бўлса, иккинчи қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғулланган.

Туркий забон аҳоли, юқорида кайд этилганидек, Марказий Осиёнинг барча шаҳар қишлоқларида яшаб деҳқончилик, савдо-сотик ва хунармандчиликнинг турли соҳалари билан шуғулланган.

Уруш, ички ва ташқи курашлар ҳам инсоннинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатган. Бир давлат ичида мавжуд бўлган вилоятлар, феодал-зодагонлар, қабилалар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, курашлар кўп кишиларни бевақт ўлимга дучор қилган².

Хитой манбаларидан бири «Муғуллар сулоласининг тарихи» (Юаньшида) келтирилган маълумотлардан ўз даврининг номдор кишиларидан бири, қарлуқ қабиласига мансуб бўлган Йағантеган ҳақида гап кетади. Унинг катта бобоси (отасининг отаси) - Қодирмалик Ўзган давлатидан бўлганлиги қайд қилинади. Қодирмалик 1212 йили уч минг аскарлари билан Чингизхон олдида (унинг Керулен дарё соҳилидаги қароргоҳига) бориб ўз ихтиёри билан тобе бўлади. Қодирмалик Чингизхонга

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001.-Б.257.

² Ўша асар.-Б.258

Керулен дарё соҳилидаги қароргоҳига Ила дарёси бўйларида мавжуд бўлган Қарлуқ давлатининг ҳукмдори Арслонхон ҳам бориб ўз ихтиёри билан таслим бўлган. Арслонхон билан бирга уларнинг мулозимлари қаторида катта обрў ва мавқега эга бўлган қарлуқ саркардаларидан бири Маҳмуд номли киши ҳам бўлган.

Юаньшида келтирилган ахборотлардан аниқ бўлишича, XIII аср бошларида Фарғонада (Қорахонлар давлати батамом емирилиб кетгандан кейин ҳам) кичик хонлик Ўзган музофотида сақланиб қолган, унинг маркази Ўзган шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг аниқ чегараси ва унда ҳукмронлик қилган хонлар тизими ҳали аниқланганича йўқ. Бу масалалар тарихчилар томонидан чуқурроқ ўрганилишини талаб қилади¹.

Қарлуқлар XIV-XV асрларда икки этник қатламдан иборат эдилар. Биринчи қатлам Фарғонада, Тошкент воҳасида, Тохаристонда милодий VI асрдан буён яшаб келган қавмлар бўлган. Булар асрлар давомида маҳаллий аҳолига аралашиб, асосан деҳқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Лекин булар ўз этник номларини унутмай (қарлуқ номини) сақлаб келган эдилар.

Иккинчи қатлам мўнғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрнинг 60-йиллари) ташкил топган. Шу асрларда қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Ила дарёси соҳилларидан ва Еттисувдан кўчиб, Тошкент ва Зарафшон воҳаларига Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Жанубий вилоятларига келиб ўрнашиб, бу ерларда олдиндан яшаган қарлуқлар билан қўшилган эдилар.. Қарлуқларнинг маълум қисми шу асрда Дашти қипчоқда кўчиб юрган. Бу қарлуқлар Шайбонийхоннинг бобоси - Абулхайрхоннинг Иртиш бўйларидаги Тура (Тори) шаҳрини эгаллашда кўмаклашганлар². Ана шу қарлуқлар Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш учун олиб борган ҳарбий юришларида ҳам фаол қатнашган. Қарлуқларнинг яна бир гуруҳи XIV асрда

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.-Б.245.

² Ўша жойда.-Б.395.

Тароз шаҳри билан Сирдарё ўртасидаги яйловларда кўчиб юрганлар.

Қарлуқларга қардош халач ва чигил этник гуруҳлари ҳам XIV-XV асрларда Зарафшон воҳасида ва Тохаристонда яшар эдилар. Булар ўз вақтида Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар. Аммо кейинги асрда (XIII аср) муғуллар қирғинига учраб, кескин камайиб кетган. Уларнинг омон қолганлари ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган. Халач ва чигилларнинг маълум қисми ўз этник номларини бизгача сақлаб келган.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва унга туташ минтақаларда яшовчи салмоқли этнослардан бири аргинлар бўлган. Буларнинг аجدодлари VIII-XII асрлар давомида кўчиб келиб Тошкент воҳасида, Фарғона водийсида (Ўзган атрофларида), Зарафшон воҳасида ва ҳозирги Сурхондарё вилоятининг айрим туманларида яшаганлар. Аргинларнинг баъзи гуруҳлари ўғузлар таркибида бўлиб, XI асрларда Хуросон ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу асрларда келган аргинларнинг анчаси ўтроқлашиб кетган эди. Шунга қарамасдан буларнинг салмоқли қисми XIV-XV асрларда Мовароуннахрда яшаган. Булар асосан Фарғона водийсида¹, Сурхон-Шеробод водийсида ва Афғонистонда ўрнашган эдилар.

Шундай қилиб, Қарлуқлар давлати давлат сифатида пайдо бўлиб аста-секинлик билан шаклланиб борган. Қарлуқлар давлатининг маркази Қийалик² шаҳри эди. Умуман олганда, Қарлуқлар давлати Ила дарёсининг шимолидаги шаҳар, яъни, Қийалик шаҳридан то Еттисувнинг бир қисми бу ҳам шуғулланиб келганлар. Демак, буларнинг хўжалигида ҳам оилани серфарзанд бўлиши ўта зарур эди³.

Марказий Осиё ҳудудларида яшовчи кўчманчи қабилаларда ҳам этник жараён бир мунча чуқурлашиб қолган эди. IX-X асрларда чорвадор кўчманчиларнинг қабилавий тузумида турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар

¹ “Бабурнаме”.-Т.: 1960.-Б.166.

² Қийалик - Ила дарёси шимолидаги шаҳар.

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: 2001. -Б.215.

рўй берган. Кўчманчи этнослар турғун ҳаёт кечиришга интилиши кучаяди. Бу жараён ўз навбатида кўчманчиларнинг табақаланишини жадаллаштиради; олдинги қабила уюшмалари ва қабила иттифоқлари бузилади¹.

Еттисувда яшовчи йирик қабилалар ва қабила иттифоқларининг (қарлуқ, чигил, аргу, тухси, туркий ва бошқалар) иқтисодий тангликка учраган гуруҳлари қабила таркибидан чиқиб қишлоқ ва шаҳарларда турғун ҳаёт кечира бошлайдилар; уларнинг бошқа бир қисми ярим кўчманчиликда қолиб, булар чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Қарлуқ ва чигилларнинг катта гуруҳи VIII асрнинг охири ва IX аср бошларида ўтроқлаша бошлаган эди. Буларнинг йирик бир гуруҳи VIII асрда Зарафшон воҳасида яшаб, кейинчалик бу ерда ўтроқлашиб қолган. VI-VII асрлардан буён Фарғонада яшаб келаётган қарлуқларнинг кўпчилиги ҳам кейинчалик ўтроқлаша бошлайди. Аммо буларнинг сони Шарқий Туркистондан ва Еттисувдан келиб турган қардошлари билан тобора кўпайиб борган. Тарихий манбаларда қарлуқларнинг Фарғонада то XVI асрнинг бошларигача яшаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Шубҳасиз, қарлуқлар VI асрдан то XVI асргача бўлган катта давр ичида Фарғонада ўтроқлашиб ерли халқлар билан аралашиб кетганлар ва ўзларини этник номларини йуқотганлар.

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: 2001. -Б.215.

Еттисувда яшовчи қарлуқларнинг қабилавий тузумида ва хўжалигида ҳам кескин ўзгаришлар юз берган. VIII аср охири IX аср бошларидаёқ қарлуқ қабила иттифоқи емирилиб унинг таркибидаги қабилалар (чигил, халат, лобап ва бошқалар) алоҳида этник гуруҳлар бўлиб қарлуқлар ҳукмронлиги остида яшаганлар. Қарлуқ, чигил ва бошқа қардош қабилаларнинг катта қисми ўтроқлашиб деҳқончилик билан, шаҳарда яшовчилар эса хунармандчилик, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг бир қанчалари IX-X асрларда кўчманчи ва ярим кўчманчилар бўлиб, улар чорвачилик, овчилик билан кун кечириб келганлар.

Қарлуқлар ҳаётининг барча томонларини ҳисобга олган нодир асар «Худуд ал-олам» муаллифи «Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли халқ бўлиб, уларнинг бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа бир қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар», -деб ёзган эди¹. Қарлуқлар яшаган ҳудудларида 20 га яқин катта шаҳар, жуда кўп қишлоқлар мавжуд бўлган. Қарлуқ қабиласи таркибига Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи бир қанча бошқа қабилалар ҳам кирган, албатта. Масалан, яғмоларнинг 13 уруғи қарлуқларга келиб қўшилган. Булардан ташқари қарлуқлар таркибига Еттисувда қарлуқлардан анча олдин яшаб келган нушиби, аргу, тухси, туркий, сорик ва бошқа қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Тарихчи Ауфи қарлуқ тўққиз бўғиндан иборат бўлганлигини уқтириб ўтган эди².

Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари қабиладошларидан ажралиб бошқа ҳудудларга бориб, ўзга элатларнинг таркибига кирган. Масъудий (IX аср охири X аср ўрталари) Орол денгизи яқинидаги чўлларда яшовчи ўғузлар билан бир қаторда қарлуқларни ҳам тилга олади. Маҳмуд Қошғарий «Қарлуқ туркманлари» деб Масъудий элаган ўғузлар таркибидаги қарлуқларни кўзда тутган бўлиши керак. Чунки туркманлар ҳам ўғузлар ичидаги йирик этник

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.37

² Ўша асар. - Б. 35.

компонентлардан бири бўлган. Бошқа бир ерда Махмуд Қошғарий «Қарлуқ туркманларининг бир гуруҳи улар кўчманчи бўлиб, ўғузлардан бошқа, улар ҳам туркманлардир»¹, - деб таъкидлайди. Бу матнда олим қарлуқларни аслида ўғузлардан бўлмаганлигини, улар туркманларга қўшилиб туркманлашиб кетганлигини таъкидлаб ўтади. Туркманлар таркибига кириб қолган қарлуқлар XX аср бошларигача ўз этник номларини сақлаб қолганлар. Қарлуқлар давлати таркибидаги этнослар бир ҳудудда қарийб икки аср давомида ёнма-ён, баъзан (шаҳар ва қишлоқларида) аралаш ҳолда яшаб келганликлари туфайли уларнинг тилида ва маданиятида умумийлик ҳосил бўлган.

Н.А.Баскаков қарлуқлар гуруҳидаги туркий тилларни икки қисмга бўлиб, биринчисини қарлуқ-уйғур тил гуруҳи деб атайди. Бундан уйғур тили қарлуқ тили билан бир қаторда қўшни этник гуруҳларга хос лаҳжаларни ўз атрофига тўплаб олган ва ўзбек элатининг тилини шаклланишига асос бўлган тиллардан бири деган хулоса келиб чиқади, албатта. Ундай бўлганда, уйғурлар узок, тарихий давр ичида Фарғонада, Еттисувда яшаган бўлишлари керак².

Шундай қилиб, IX-X асрларда Еттисувда, Тошкент воҳасида, Мовароуннаҳрда турғун яшовчи туркийзабон аҳоли ярим кўчманчи ярим ўтроқ қабилалар учун қарлуқ тили умумий тил бўлиб қолган. Тилнинг бу ўзгарган формаси ўтишда чиғилларнинг ҳам роли катта бўлган. Қарлуқ-чигил тили бу қабилалар билан ёнма-ён ва аралаш яшаган бошқа туркий қабилаларнинг ва турғун яшовчи туркий аҳолининг диалектларини бирлаштиришда асос бўлган, албатта, қарлуқлар Сирдарёнинг қуйи оқимида яшовчи ўғуз қипчоқ гуруҳлари билан ҳам яқин муносабатда бўлганлар³. Қарлуқ-ўғуз-қипчоқ диалектлари асосида кейинчалик қарлуқ-хоразм ёки

¹ М.Қошғарий. “Девони луғати турк”. 1-жилд.-Б.173.

² Баскаков Н.А. Тюркские языки.М.1961.-С.170-177.

³ Джикиев А. Очерки прохождения туркменского народа в эпоху средне вековья. Ашхабад. 1991. –С.298-299.

ўғуз-қипчоқ адабий тили пайдо бўлади деган фикр ҳақиқатга яқин бўлса керак.

IX-X асрларда Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг маданиятида ҳам катта ўзгариши юз берган эди. Бир аср ичида вужудга келган давлатларда (Қарлуқ, ўғуз, Сомоний давлатларида) яшовчи халқларнинг маданий даражаси ривожланиб борган. Бу эса ўз навбатида бир ҳудудда яшовчи аҳолининг онг сезимини ошиб боришга уларнинг элат бўлиб шаклланишини ва бу жараёни айрим ҳудудларда охишлашиб боришни тезлаштирган.

IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида яшовчи аҳоли маданиятининг юксаклиги манбаларда ва тарихий археологик илмий тадқиқот адабиётларида кенг ёритилган¹.

Қарлуқ давлати ҳудудида яшовчи аҳоли орасида моний (монавийлик) ва будда динига эътиқод қилувчи этнослар ҳам мавжуд бўлган. Будда дини туркий халқларга IV-V асрлардаёқ кириб борган. VI асрнинг иккинчи ярмида айрим турк ҳоконлари бу динни қабул қилган эдилар. Чу водийсидаги бир неча шаҳарларда, жумладан, Суёб, Боласоғун, Суқулук, Сариг, Жулда будда ибодатхоналари мавжуд бўлганлигини археологик қазилмалар тасдиқлайди. Монавийлик дини Шарқий Туркистонга ва Етгисув вилоятларига ҳам тарқалади. VIII асрда турк ҳоконларининг баъзилари монавийлик динига ўтадилар.

Қарлуқлар давлати таркибидаги айрим этник гуруҳлар христиан динида (нестрианлик мазхабида) бўлган. Лекин бу ва юқорида тилга олинган будда ҳамда монавийлик динлари Ғарбий Турк ҳоконлигида унча ривож топмаган. Ислом динининг кириб келиши билан бу диний эътиқодларнинг таъсир кучи пасайиб, кейинчалик уларнинг айримлари (будда, христианлик) турклар дунёсидан бутунлай чиқади².

Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий районларида қарлуқларнинг

¹Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.114.

² Ўша асар. - Т.: - С. 115.

турар жойлари, мозорлари бўлганлиги археологлар томонидан аниқланган. Бу ҳудудлардан олинган археологик буюмларда ҳам Фарғона маданиятининг изларини кўриш мумкин. Талас ва Чу водийларида яшовчи аҳолининг ичида қарлуқларнинг ва уларга қондош бўлган чигилларнинг ўрни катта бўлганлигини айтиб ўтган эдик. Бу этник гуруҳларнинг кўпчилиги IX-X асрлар давомида ўтроклашиб, Марказий Осиё ҳудудининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган эдилар. Қарлуқ давлатида ҳам шаҳар қурилишига катта аҳамият берилган.

Қарлуқлар даврида улар яшайдиган ҳудудларда меъморчилик санъати ҳам ривожланиб борган. Иморатларни эндиликда (IX-X аср) улуғвор ва ҳашаматли қилиб қуриш, унинг деворларига сифатли ишлов бериш, нақш солиш, безаш одат тусига кирган. Сариф шаҳрининг харобаларида археологлар томонидан қарлуқлар даврига оид уй деворлари очилган эди. Унинг деворлари нафис нақшлар ва гуллар билан безалган. Гуллар геометрик ва ўсимликлар шаклида берилган. Қарлуқлар даврининг хусусиятларидан яна бири шу эдики, бу асрларда Еттисувда Мовароуннаҳрдаги Шаҳристон типигаги мустаҳкам турар жойларни қуриш оммавий тус олади. Бу хил қурилишлар қарлуқлар ҳудудида олдиндан мавжуд бўлиб келган алоҳида ховли қўрғонлар вужудга келади¹.

Қарлуқлар даврида хунармандчиликнинг бир неча соҳалари, жумладан, темирчилик, кулолчилик, дурадгорлик, ўймакорлик ва бир қанча бошқа соҳалар кенг ривожланган. Турғун яшовчи собиқ кўчманчилар хунармандчиликнинг барча соҳаларини мукамал ўзлаштириб олган эдилар.

Туркий халқлар хунармандчиликнинг айрим соҳалари масалан, темирчилик билан қадимдан шуғулланиб келган. Қарлуқлар даврида темирчи усталарнинг маҳсулотлари бозорга чиқарилган. Қарлуқ усталари ясаган қилич, найза ва занжирлар нафақат туркий дунё, балки, славян

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.118.

мамлакатларида, шахсан, Киев Русида ҳам маълум эди.

Қарлуқлар даврида Етгисувда ва Тяньшань ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги ва ганчга гул солиш санъати бирмунча тараққий этган. Ёғоч ўймакорлиги кўпинча эшик дарвоза ва ҳашаматли иморатлар деворларини безашда қўлланилган.

Қарлуқлар даврида кийим ва безакларга ҳам катта эътибор берилган. Устки кийимлар, асосан, жун иплардан тўқилган, матолардан тикилган, Туркий халқларда қадимдан қўлланиб келинган дастгоҳларда (дўконларда) иплардан мато тўқилган¹.

Қарлуқларнинг ўзларида махсус ёзув бўлмаган бўлиши керак. Туркийлар, хусусан, қарлуқлар IX-X асрларда, ундан ҳам олдинроқ асосан суғд ва уйғур битикларидан фойдаланганлар. Давлат ишлари ва ташқи дипломатик алоқалар ҳар иккала суғд ва уйғур ёзувида олиб борилган.

Қарлуқлар ҳудудида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтрок чорвадор қабилаларда оғзаки ижод катта ўрин олган. Булар анъаналарни, урф-одатларини, умуман турмуш тарзларидаги барча томонларини авлоддан-авлодга оғзаки ижодлари орқали ўтказиб келганлар, йирик халқ дostonларини яратганлар.

«Дода кўркут» дostonи VII-VIII асрларда хазарларда содир бўлган деган фикр мавжуд. Бу дoston Сирдарё соҳилларида яшовчи ўғузлар ва Етгисувда яшовчи қарлуқларда ҳам VIII-IX асрлар давомида тарқалган бўлиши керак. Ушбу дoston илк бор Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Волга бўйларида Етгисувда кўчиб бориб ўрнашган дулу қабиласига мансуб гуруҳлар билан бирга VII асрда бориб қолгандир².

Қарлуқлар даврида бошқа халқ дostonлари ҳам мавжуд бўлган бўлиши керак. Баъзи фикр-мулоҳазаларга қараганда, «Ўғузнома» дostonи IX-X

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.120.

² Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.122-123.

асрларда пайдо бўлган. Достон тилида «Қарлуқ-уйғур» тилини атамалари мавжудлиги тилшунос олимлар томонидан таъкидлаб ўтилади.

Қарлуқлар Марказий Осиёда муҳим яшовчи маҳаллий аҳоли билан тарқоқ яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий этносларни бирлаштириб йирик давлат барпо этдилар. Қарлуқлардан чиққан қорахонлар бу давлатнинг бошқариб келдилар. Лекин бу давлат тарихий асарларда нотўғри тарзда қорахонлар давлати деб аталган.

Қарлуқ -қорахонлар давлати кўчманчи аҳолининг турғун аҳолининг билан яқин алоқада бўлиб борилиши туфайли иқтисодий ва маданий ҳаётда умумийлик ҳосил бўлишига реал имкониятлар яратилади. Бу имкониятларни амалга оширишда қарлуқ қорахонларнинг хайрихоҳлик муҳим бўлган.

Қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудда IX аср иккинчи ярмида ислом дини катъий ўрнашиб қолади. Кўп динга эътиқод қилишдан ягона бир динга ўтиш билан Марказий Осиё халқларининг маданияти ва маънавиятида тубдан ўзгариши рўй беради. Эндиликда илму-фан, маърифат ислом дини таълимоти асосида тараққий эта бошлади.

Мовароуннаҳр шаҳар аҳолисининг кўпайиб бориши билан уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби ошиб борган. Натижада, шаҳарни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам бир қисм маҳсулотни ташқаридан олиб келиш лозим бўлган. Хунармандчиликка керак бўлган айрим хом ашёлар ҳам ташқаридан олиб келинган. Демак, XI-XII асрларда савдо-сотик ишлари Яқин Шарқ ва Олд Осиё, Хоразм орқали эса Волгабўйи турклари славянлар давлатлари билан ривожланиб борган. Шимоли-шарқий қўшнилари билан тижорат ва маданий алоқалар нисбатан пасайиб қолган эди¹.

Ғарбий Қорахонлилар хонларининг ички ва ташқи бозорни равожлантириш соҳасида олиб борган сиёсатлари шаҳар ободончилиги учун

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.131.

қилган ишлари самарали бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини моддий маданий ҳаёти бирмунча яхшиланди: Давлат бошлиқлари халқнинг ишончинир қозонади ва керак бўлган тақдирда халқ хонларини қаттиқ ҳимоя қилган. Лекин Ғарбий Қорахонлар давлати кўшни давлат тажовузлигидан холи эмас эди. Шарқий Қорахонлилар хонлари бир неча бор Мовароуннаҳрга бостириб келганлар. Ғазнавийлар, салжуклар ва ниҳоят қорахитойлар (қоракиданлар) бу ўлкани забт этиб мамлакат аҳолисининг тинчлигини бузиб турганлар. Аммо бу ташқи курашлар, юз берган тобеликлар этник иқтисодий ва маданий жиҳатдан аллақачон шаклланган, бу даврларга келиб (XI- XII асрлар) эса унинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган йирик бир элатни-ўзбек элатининг бирлигини бузиб, тарқатиб юборишга ожизлик қилган. XIII аср бошида (1212 йил) Хоразмшоҳ Муҳаммад Самарқандни эгаллаб Ғарбий хоқонликни тугатади¹.

IX-X асрларда Ўзбек халқи тарихида яна бир воқеа юз берди: ўзбек аجدодлари алоҳида этник бирлик бўлиб шаклландилар. Элат шаклланишидаги асосий кўрсаткичлари шаклланган бўлса ҳам, аммо уларнинг шаклланиш жараёни бу асрларда ниҳоясига етмаган эди; бунинг учун маълум давр ўтиш даври керак эди.

XI аср ўрталарида Ғарбий хоқонлик мустақил ҳукмронлик қила бошлагач, ўзбек халқининг этногенетик жараёни шу хоқонлик ҳудудида (Мовароуннаҳр) давом этади. Бу ҳудудда ўзбек халқининг этник,худудий, иқтисодий, маданий ва бошқа этник белгиларида умумийлик ҳосил бўлиб, ўзбек элатларининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етди.

IX-XII асрларда Марказий Осиёнинг маданий юксалиш даври эди. Қарлуқ давлатининг тарихи, унинг барпо бўлишидан (840) то инқирозга учраган вақтигача (1212) шу давр билан бевосита боғлиқ.

Бу асрларда мавжуд бўлган иқтисодий ва маданий соҳалардаги

¹ Ўша асар.-Б.132.

Ўзгаришлар Қарлуқ давлати билан бевосита боғлиқ. Қарлуқ ҳоконлари қарийб икки юз йил давомида Ғарбий ҳоконликда ҳукмронлик қилиб, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар ва Қорахитойлар тожовузлигига қарамасдан давлат бутунлигини сақлаб қолганлар. Улар давлатнинг иқтисодий маданий тараққиётида шаҳар қўрилишларида меъморчиликда ўз хиссаларини қўшиб, қадимги ёдгорликларни сақлаб, авлодларга мерос қолдиришга ҳаракат қилганлар. Шу даврларда шаҳар ва қишлоқлар бирмунча обод бўлиб, халқнинг фаровонлиги яхшиланиб, аҳоли сони бирмунча кўпайиб қолган эди¹.

Хулоса қилиб айтганда, қарлуқларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёти шу тарзда давом этган, яъни уларнинг яшаш тарзи турли динларга эътиқод қилиш ва умуман олганда уларнинг маданияти турли этник қабилалардан оз бўлсада фарқ қилганлиги турли манбаларда учрайди. Демак, қарлуқларнинг маданияти ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Масалан, уларнинг урф-одатлари яшаш тарзи ислом динига яъни тангрига сиғиниш, ҳунарманчилик, чорвачилик кулолчилик каби соҳалар ҳозирги кунгача сақланиб аجدодларнинг ишини давом эттириб келмоқдамиз.

¹ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. –Т.: -Б.166.

ХУЛОСА

VII-VIII Марказий Осиё минтақаларида сиёсий вазият бирмунчак кескинлашиб, ички ва ташқи курашлар кучаяди. Ана шу курашлар натижасида олдинлари фаоллик кўрсатиб келган қабила иттифоқлари ва давлатлар емирилади, уларнинг ўрнида янги қабила иттифоқлари ва давлатлар вужудга келади. Буларнинг кучлилари кўшни худудларни эгаллаб, кучсиз қабилаларни бўйсундирадilar. Кучли давлат ёки қабила иттифоқи таркибида узоқ муддат тобеликда қолиб кетган қабилаларнинг кўпчилиги кейинчалик улар билан араллашиб, ўз этник номларини унутиб ҳам юборадilar.

Қабилавий ва давлатлараро курашларда фақат эркесвар ва жанговар қабилалар ёки қабила иттифоқларигина бутунлигини ва мустақиллигини сақлаб қолиши мумкин бўлган. Қарлуқ қабила иттифоқи ана шундай этнослардан бири бўлган. Мазкур қабила уюшмаси VI асрдан то VIII аср охирларигача ўз мустақилликлари учун курашиб бутунликларини сақлаб қоладilar. Курашлар давомида қарлуқлар яна ҳам чиниқиб, кучайиб, 766 йили туркешлар устидан ғалаба қозониб жуда катта худудга эгалик қиладilar.

840 йилда қарлуқ давлати ташкил топади. Еттисув, Исфижоб (ҳозирги Чимкент) вилояти, Шош (Тошкент воҳаси Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонанинг шимолий (тоғли) минтақалари қарлуқ давлати доирасида бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми X аср давомида Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлик қилар эдилар. Ана шу икки давлат (Қарлуқ ва Сомонийлар давлати) худудида ўзбек ва тожик авлодлари алоҳида жамоа-элат бўлиб шаклланадилар. Этносларнинг ичида энг йириги чигил, халач ва лабан бўлиб, булар аслида қарлуқ қабилаларидан

хисобланади. Йирик қабилалардан яна бири - яғмо бўлиб, булар VIII асрларда Телес қабила иттифоқидан ажралиб чиқиб, қарлуқларга қўшилган қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудда яна турк ва туркеш ҳоконлари таназзулидан кейин шу ерларда қолиб яшаган нушуби, дилу, аргу, тухси, аз ўз сариқ ва бошқа гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган.

Хулоса қилиб, қарлуқ этносининг тарихга қўшган ҳиссасини ва бу давлатнинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Қарлуқлар Марказий Осиёда энг йирик мустақил давлат барпо қилдилар. Қарлуқлардан чиққан қораҳоконлар (улуғхонлар) бу давлатни қарийб тўрт аср узлуксиз бошқариб келдилар. Бу давр ўзбек давлатчилигида сермазмун воқеаларга бой давр бўлган.

2. Қарлуқ давлатида кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг маҳаллий турғун аҳоли билан алоқада бўлиб бориши туфайли иқтисодий ва маданий ҳаётда умумийлик ҳосил бўлишига реал имкониятлар яратилди. Бу имкониятларни амалга оширишда қарлуқ ҳоконларининг хайрихоҳлиги муҳим бўлган эди.

3. Қарлуқлар ҳудудида IX аср охирларида ислом дини катъий ўрнашиб қолади. Кўп динга эътиқод қилишдан ягона бир динга-ислом динига ўтиш билан Марказий Осиё халқларининг маданияти ва маънавиятида тубдан ўзгариш рўй беради. Эндиликда илму фан, маърифат ислом дини таълимоти асосида тараққий эта бошлади.

4. IX – X асрларда ўзбек халқи тарихида яна бир воқеа юз беради: Ўзбек аجدодлари алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклландилар. Ўзбек халқининг этногенетик жараёни кейинги асрларда ҳам давом қилади. Элат шаклланишидаги асосий кўрсаткичлар (этник, ҳудудий, иқтисодий, маданий ва бошқ.) шаклланган бўлса ҳам, аммо уларнинг шаклланиш жараёни бу асрларда ниҳоясига етмаган эди; бунинг учун маълум давр-ўтиш даври керак эди.

5. XI аср ўрталарида Ғарбий ҳоқонлик мустақил ҳукмронлик қила бошлагач, ўзбек халқининг этногенетик жараёни шу ҳоқонлик ҳудудида (Мовароуннаҳр) давом этади. Бу ҳудудда ўзбек халқининг этник, ҳудудий, иқтисодий, маданий ва этник белгиларида умумийлик ҳосил бўлиб, ўзбек элатларининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади.

6. IX – XII асрлар Марказий Осиёнинг маданий юксалиш даври эди. Қарлуқ давлатининг тарихи, унинг барпо бўлишидан (840 йил.) то инқирозга учраган вақтигача (1212 йил) шу давр билан бевосита боғлиқ. Бу асрларда мавжуд бўлган иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар Қарлуқ давлати билан бевосита боғлиқ. Қарлуқ хоқонлари қарийб икки юз йил давомида Ғарбий хоқонликда ҳукмронлик қилиб, хоразмшоҳлар, ғазнавийлик ва қорахитойлар (қоракиданлар) тажовузлигига қарамасдан (вақтинча қарамликда бўлсалар ҳам), давлат бутунлигини сақлаб қолганлар. Улар давлатнинг иқтисодий, маданий тараққиётида, шаҳар қурилишларида, меъморчиликда ўз ҳиссаларини қўшиб қадимги ёдгорликларни сақлаб, авлодларга мерос қолдиришга ҳаракат қилганлар. Шу даврларда шаҳар ва қишлоқлар бирмунча обод бўлиб, халқнинг фаровонлиги яхшилангиб, аҳоли сони бирмунча кўпайиб ҳам қолган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойили. -Т.: 1998.
3. Абулғозий. Шажараи турк. –Т.:1992.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: 2007.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: 2000.Б-103-113.
6. Беруний Абу Райхон. Қадиги халқлардан қолган ёдгорликлар. Таржимон А.Расулов. Танланган асарлар. 1- том. –Т.: 1998.
7. Беруний Абу Райхон. Ҳиндистон. Арабчадан А.Расулов, Ю.Ҳакимжонов, Жалилов Ф. таржимаси. Танланган асарлар. 2-том. -Т.: 1965.
8. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев. –Т.: 1960.
9. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Т. I., М.-Л. 1950. Т. II. 1950., Т. III., 1953.
10. Баскаков Н.А. Тюркские языки. –М.: 1961.
11. Бобоёров Ғ. Б. Ғарбий турк ҳоконлиги тангаларида акс этган ҳокимият рамзларига доир. // Ўзбекистон этнографиясининг долзарб муаммолари.-Т.-Наманган, 2007
12. Джикиев А. Очерки происхождения и формирования туркменского народа в эпоху Средневековья. -Ашхабад, 1991.
13. История Узбекистана. Т. III. -Т.: 1993.
14. Камолиддин Ш.Тюрки в Бухарском оазисе в эпоху раннего средневековья. // Ўзбекистон этнографиясининг долзарб муаммолари.-Т.-Наманган, 2007.
15. Кочнев Б. Қорахонийлар ҳоконлиги.// Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.:, 2001.
16. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. –Т.: 2010.

17. Махмуд Қошғарий «Девони луғотиг-турк». Гаржима ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов –Т.: 1960.
18. Соатова С. Шарқий Туркистон қарлуқлари этник тарихининг ўрганилиши.//Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Илмий тўплам. –Т.: 2014.
19. Тарихи Ўаманий. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XII вв. Т.: 1988.
20. Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни.-Т.: 2001.
21. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. -Т.: 1964.
22. Шаниязов К. К этнической истории ўзбекского народа.-Т.:1974.
23. Шаниязов К. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа . –Т.: 1981.
24. Шониёзов К. Қарлук давлати ва қарлуқлар. Ўзбек давлатчилиги тарихидан .-Т.: 1999.
25. Ўрта Осиё халокларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI- XIX аср I ярми).- Т.: 2011.-Б.42.
26. Ўзбекистон ҳудудларида анъанавий этнослараро жараёнлар (XIX аср охири-XX аср бошлари)
27. Якубовский А.Ю. Сельджукидское движение и туркмены в XI; Известия АН СССР . 1937, № 4.
28. Якубовский А.Ю. Вопросы этногенеза туркмен в VIII-X вв. СЭ, 1947. №3.

Мундарижа

Кириш.....	1 - 7
Ўзбек элатининг шаклланиши.....	.8 - 18
Қарлуқлар-ўзбек уруғларининг йирик вакиллари.....	19 - 26
Қарлуқ давлатининг вужудга келиши.....	27 - 33
Қарлуқларда ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаёт.....	34 - 45
Хулоса.....	46 - 48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49 - 50